

ГИЁСИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ – АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ МУАРРИХИ

Жаъфар Муҳаммадиевич Холмўминов

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти

jafarmuhammad@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўз даврининг етук олимларидан бири саналган Гиёсиддин Али Яздий тафсир, фиқх, ҳадис, тарих, жуғрофиё, ҳарб ва адабиёт илмларини мукаммал даражада билган ва турли соҳалар бўйича қимматли асарлар ёзган. Гиёсиддин Али Яздий ўзининг Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришига бағшланган “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” (“Саодатнома ёхуд Ҳиндистонга юриш кундалиги”) асарининг ёзилиши тарихи ва сабабини асарнинг 57-бетида куйидаги келтиради: “Подшоҳлик ва салтанат даврининг ўттиз биринчи йилида Ҳазрати Соҳибқироннинг қўл остидаги мулоғимларидан бири келиб, иззат ва ҳурмат билан мурожаат этди...” Агар Амир Темурнинг тахтга ўтиришини хижрий 771 йил (м. 1369 йил) деб ҳисобласак ва ундан кейинги ўттиз бир йилни қўшсак, асарнинг ёзилган йили 802 хижрий (милодий 1400 йил) бўлиб чиқади. Демак, бу асар Амир Темурнинг Ҳиндистон ғазавотидан қайтганидан бир йил ўтгандан сўнг, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сидан икки йил олдин ёзилган бўлиб чиқади.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган салкам бир йиллик юриши (1398 йил май – 1399 йил март) Темурийлар тарихига оид манбаларда, жумладан, бу ҳақдаги илк манба “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” асарида футўҳотларга тўла бир юриш сифатида тилга олинади.

Ушбу асар Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва унинг жанг санъати ҳақидаги энг мўътабар тарихий манбалардан бири сифатида ўзига хос илмий аҳамиятга эгалиги билан ажralиб туради.

Калит сўзлар: Соҳибқирон Амир Темур, Гиёсиддин Али Яздий, “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон”, тарихий асар, Ҳиндистон, ҳарбий юриш, қўшин, дарё, қалъа, шаҳар, ғалаба.

ABSTRACT

Ghiyosiddin Ali Yazdi, was one of the leading scholars of his time and wrote valuable works in various fields of science,

such as tafsir (commentary on the Qur'an), jurisprudence, hadith, history, geography and literature

He gives the date and reason for writing his book "Saodatnoma yo ruznomai gazavoti Hinduston" (p. 57), dedicated to the campaign of Amir Temur to India, as follows: "In the thirty-first year of the reign, one of the officials under Hazrat Sahibkiran came and addressed me with honor and respect..."

If we consider Amir Temur's reign as khijri 771 (1369) and add the next thirty-one years, the year of the work's writing is khijri 802 (1400).

It turns out that this work was written a year after the return of Amir Temur from the Indian conquest, two years before Nizamiddin Shami's "Zafarname"

Almost a year-long campaign of Amir Temur to India (May 1398 - March 1399) is mentioned in the sources on the history of the Temurids, including in the first source - "Saadatname or Herald of the Conquest of India" as one of the military campaigns of Amir Temur, which were full victories.

This work is distinguished by its unique scientific significance as one of the most authoritative historical sources about the military campaigns of Amir Temur and his martial arts.

Keywords: Sahibkiran Amir Temur, Giyosiddin Ali Yazdiy, "Saodatnoma yo ruznomai gazavoti Hinduston", historical work, India, military campaign, army, river, castle, city, victory.

КИРИШ

Яздаги Оли Музаффар сулоласи билан дўстона муносабатда бўлиб, бир муддат Язд вилоятида қозикалон вазифасида ҳам фаолият юритган қомусий олим Ғиёсиддин Али Яздий Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришининг тафсилотларини ўз ичига олган асари – "Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон"ни форс-тожик тилида, тарихий-бадиий услубда ёзган. Мазкур асар "Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон" номи билан эронлик машхур олим Эраж Афшор томонидан 2001 йилда Техрондаги "Мероси мактуб" нашриёти томонидан нашр этилган.

Асарда воқейлик билан бадиийлик, ҳақиқат билан муболага уйғунлашиб кетган. Муаллиф Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳинд диёри сари қилган юриши жараёнида рҳй берган воқеа-ходисаларни кунма-кун, ҳатто соатма-соат тасвирлаб борар экан, кўп ҳолларда – ташбех, истиъора, муқобала, муболага

каби бадий санъатларга мурожаат этади, баъзи ҳолларда воқеа мазмунига мос ҳолда ўз фикрини бирор байт билан қувватлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муаллиф асарни “Муқаддима” ва “Хутба” билан бошлаб, “Фасле дар футиҳоти Темур” (“Темур фатҳларига оид фасл”) деб номланган қисмда Амир Темурнинг Ҳиндистон фатҳидан олдинги фатҳлари – Самарқанд фатҳи, Мўғулистан ва Хоразмга юриши, Ҳирот ва Ҳурросон фатҳи, Сейистон ва Мозандарон фатҳи, Исфаҳон ва Шероз юриши, Даҳти Қипчоқ фатҳи ва Тўқтамишхон билан уруши, Ҳамадон ва Форс юриши, бағдодга юриши, Тўқтамишхон устидан қозонган ғалаба ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Ундан сўнг Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришининг сабабини изоҳлаб ўтади.

Муаллиф Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришининг асосий сабабини Дехлининг собиқ ҳукмдори Фирузшоҳ вафотидан сўнг Ҳиндистонда исломнинг заифлашгани, золим тойифаларнинг зулми ҳаддан ошиб кетгани ва у ерда адолатсизликнинг ошиб кетгани билан изоҳлайди ва буни “Саодатнома” асарининг бир неча жойида, жумладан, “Дехли ҳукмдори Султон Маҳмуд билан бўлган урушда ғалаба қозониш ҳақида” деб номланган фаслда ҳам таъкидлайди.

Муаллиф Ҳиндистон юришининг сабабини баён этгач, асарнинг “Саъодатнома” қисмини бошлайди. Ундан сўнг воқеъаларни қуидаги мавзуларга бўлган ҳолда муайян тартиб билан баён этиб боради: “Зикри мувофиқат ва ғазавот дар Ҳиндустон” (Ҳиндистон ғазавотига қарор қилиш ҳақида), “Зикри Шаҳобиддин Тамим ва мутобиъату муҳолифати ў” (Шаҳобиддин Тамим, унинг тобе бўлиши ва ихтилоф қилиши ҳақида), “Зикри фатҳи шаҳри Банд ва Қалъаи Батнир” (Банд шаҳри ва Батнир Қалъасининг фатҳ этилиши), “Зикри жанг кардан бо Султон Маҳмуд волии Дехли” (Дехли волийси Султон Маҳмуд билан бўлган уруш), “Зикри фатҳи Қалъаи Мирт” (Мирт Қалъасининг фатҳ этилиши), “Зикри ғазвае дар дарёи Ганг бо габрон” (Ганг дарёси бўйида габрларга қарши ғазавот), “Зикри се ғазва дар як рўз бо габрон” (Габрларга қарши бир кунда бўлган уч ғазавот баёни), “Зикри истисоли габрон, ки ба дараи Кўпала буданд” (Кўпала дарасидаги габрларни тор-мор этилиши), “Зикри Қалъаи Кўҳи Саволак” (Қалъаи Кўҳи Саволак ҳақида), “Зикри ғазваи ҳаддии дигар аз Кўҳи Саволак” (Кўҳи Саволак ҳудудида бўлган яна бир ғазавот ҳақида), “Зикри навоҳии муваққифи Жаҳонпаноҳ дар Жаму” (Олампаноҳнинг Жамуда

тўхтаган жойлари ҳақида), “Зикри сохтани Масжиди Жомеъи дорулмулки Самарқанд” (Самарқанд дорулмулкида Жомеъ Масжидини қуриш ҳақида).

Панжоб водийси Амир Темур учун Чифатой хонлигининг қонуний худуди ҳисобланар эди. Султон Муҳаммад Туглуқ вафотидан кейин Дехли султонлиги заифлашиб борди ва атрофдаги рожалар мустақиллик эълон қилишди. Унинг вориси Ферузшоҳ замонида ҳам бу нарса давом этди. Султонлик кичрайиб, Дехли билан чекланиб қолди.

Амир Темур Ҳиндиқушгача бўлган ерларни ўзига бўйсундирган пайтда, қочиб кетган маҳаллий амирлар Дехлидан бошпана топган эдилар. Тарихчиларнинг фикрича, Амир Темур Ҳиндистонни доимий бошқариш мақсадида эмас, балки бойлик илинжида эгаллашни истарди. 1392 йилда бир пайтлар Султон Маҳмуд Ғазнавий мулки ҳисобланган ерларни бошқаришни невараси Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирга топширган Амир Темур, 1397 йилда унга Ҳиндистонга лашкар тортишни буюрган, шу тариқа бу мамлакат Мўлтон Пирмуҳаммад томонидан эгалланган эди.

Шу йил қишини Мовароуннаҳр шимолида ўтказган Амир Темур 1398 йилнинг илк ойларида Самарқандга қайтди ва қўшин тўплади. Қурултой чақириб, Ҳиндистонга юриш қилишини эълон қилди:

“Ферузшоҳнинг набираси Дехли тахтига ўтириди. Аммо бу ёш султоннинг ҳукми ўз қўл остидагиларга ўтмайди. Ҳатто улар унга қарши душманлик қилмоқда. Шундайлардан бири Сарангхон Мўлтонни Сайид Хизр хондан тортиб олди, аммо ўзи ҳозир Пирмуҳаммаднинг ҳужумига дучор бўлди. Дехлида Сарангнинг биродари Маллухон рақибларини мағлуб этиб, шаҳарни эгаллади ва султон номидан ҳукмронлик қилмоқда. Бу тартибсизликлар бизнинг ғалабага чанқоқ қўшинимизни Ҳиндга олиб боришга мажбур қилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳақ динга Ҳинднинг кўп жойида амал қилинаётган бўлса-да, салтанатнинг катта қисмида мушриклар истиқомат қилмоқда. Дехли султонлари ҳақ динни ҳимоя қилишдан ожизлик қилмоқда. Мусулмон ҳукмдорлар фақат жизя олиш билан чекланмоқдалар...”

Шундай қилиб, Амир Темур қўшини март ойида Термиз орқали Амударёни кечиб ўтиб, Ҳиндистонга қараб юришни бошлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ғиёсиддин Али Яздийнинг китоб муқаддимасида ёзишича, Соҳибқирон ўз қўшинлари билан Сайиди койинот

ва хуносай мавжудот Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам хижратидан саккиз юз (х.қ. 800 йил – Ж.Х.) йил ўтгач, зулҳижжа ойининг бошида Ҳиндистон мамлакатининг чегараси бўлмиш Кобулнинг Турин деган жойига етиб борди.

Амир Темур асосий қўшин ва бошқа маликалар билан биргаликда Ҳиндистонга юришда давом этди. Чигатой улусининг хони Султон Маҳмудхон чап қанот билан бирга шимолий йўл орқали Дехлига юрди. Темурнинг ўзи эса жанубга, Пирмуҳаммад билан учрашиш учун Мўлтонга қараб юрди. Сентябрь ойида Ҳинд дарёсига етиб келган Амир Темур қўшини икки кунда дарёни кечиб ўтди.

“Шаҳобиддин Жамд дарёси бўйидаги оролчада волий эди, фуқаролари кўп, ҳашамати катта, мол-мулки беҳисоб эди. Шаҳобиддин Мўлтон вилоятига етиб келган жаҳон аҳли маҳдумзодаси Амирзода Пируҳаммад Баҳодирнинг (Амир Темур амирларидан бири – Ж.Х.) оёғини ўпиш шарафига мұяссар бўлиб, унга кўп иззат-эҳтиромлар кўрсатди. Бир қанча вақт унинг хизмат ва мулозаматида бўлди. Оролга қайтгач, бошида мухолифат савдоси қайнади ва бўйсунишдан бўйин товлай бошлади. Оролдаги ҳашаматлари ва мол-мулки билан мағурланиб, фано дарёсининг қирғогида ўзи учун уй қурди. Сув хаёт манбаи бўлса-да, унинг кулинини кўкка совурди.

Ҳазрати хоқон (Амир Темур – Ж.Х.) у бадбахтнинг мухолифатидан хабар топгач, муҳаррам ойининг биринчи пайшанба куни Шайх Нуриддин Баҳодирга душманни (Шаҳобиддин – Ж.Х.) йўқ қилишга фармон берди. “Шайх Нуриддин Баҳодир фармони олийни бажариш учун лашкари билан елдек учеб, яшиндек чақнаб ўша орол сари йўл олди. Орол ҳудудига етгач, Шаҳобиддин қаздирган чуқур хандақлари ва кўтарган баланд деворларига дуч келди. Дарҳол жанг бошланди, таърифлаб бўлмайдиган даражада уруш бўлди.

Қуёш семурғи Мағриб Кофининг тоғи ортига ботиши ва кун зулмат қўйнига кириши билан Шаҳобиддин лашкари дарё қирғогига тушган балиқдек ва тузоққа тушган қушдек типирчилаб қолди ва чора тополмай қўпчилиги ҳалокатга учради. Баъзилари ўзини тошқин дарёга отиб, чўкиб кетди. Бу кеча Мансур Буворж Чехра ва унинг оға-инилари кўп жонбозлик кўрсатиб, ўқ ва қилич захмидан кўп жароҳатлар олишди. Ҳазрати олий (Амир Темур – Ж.Х.) оролга кириб келгач, хусравона саховат билан яралангандарни маҳсус сийлади, уларни шарафманд айлаб, қимматбаҳо инъомлар билан сарафroz этди”.

Юқорида зикр этилган оролчани қўлга киритгач, Амир Темур Ҳиндистонни ишғол этишга киришади. Муаллифнинг ёзишича, ойнинг (мухаррам ойи – Ж.Х.) йигирма тўртинчи куни (якшанба – Ж.Х.) Қалъа қарама-қаршисидаги Жанова дарёси қирғогига тушади. Қалъа рўпарасида Жамд ва Жанова дарёлари қўшилиб, улкан бир дарёни вужудга келтирган экан. Фиёсиддин Али Язди бу улкан, чуқур ва бепоён дарё олдида Дажла ва Фрот дарёлари бир ариқдай, Жайхун ва Сайхун дарёлари эса бир чашмадай, деб тавсифлайди.

Чоршанба куни – ойнинг йигирма еттинчи куни Амир Темур фармони билан мўр-малаҳдан ҳам қўп ишчилар тўпланиб, ушбу улкан дарёнинг устига ақл ва тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ҳеч ким етти ухлаб тушида кўрмаган кўприк ўрнатадилар (бу кўприк, шубҳасиз, осма кўприк бўлган).

“Бу улкан дарё устидан агар ўтган бўлса, Тармширин деган подшоҳ ўтгандир, аммо унинг устига кўприк ўрнатиб, ўтмаган”, дейди Фиёсиддин Али Язди. - Амир Темур кўприкдан дарёнинг нариги қирғогига (кўшини билан) ўтгач, шаҳар (Қалъа – Ж.Х.) қаршисидаги Талмина дарёси бўйига қўнди. Шаҳар улуғлари, олимлари, маликлар Амир Темур хузурига келиб, унга бўйин эгдилар. Амир Темур уларнинг ҳар бирини даража ва мақомига қараб муносиб тарзда сийлади”.

Муаллиф асарнинг “Банд шаҳри ва Батнир қалъасини фатҳ этиш ва аҳолисини қўлга олиш ҳақида” номли фаслида шундай ҳикоя қиласи:

“Ойнинг йигирма бешинчиси, чоршанба куни (Сафар ойи – Ж.Х.) Ҳазрати Хоқон (Амир Темур – Ж.Х.) икки минг нафар отлиқ билан Батнир қалъасига етди...

У жуда ҳам мустаҳкам қалъа, Ҳинд диёридаги машҳур қалъалардан бири эди. У қалъанинг волийси ва бошлиғини Рай Дувалжин дердилар. Қалъа аҳолиси қўп, одам билан гавжум эди. Волий Қалъанинг инон-ихтиёрини қўлга киритган, одамлардан хирож ундириб, кириб келган карвонлар ва савдогарлар ҳам унинг божидан қочиб кутулолмас эдилар.

Жаҳонгирнинг (Амир Темур – Ж.Х.) қуёши у ерда порлаб, Рой Дувалжин Қалъа мустаҳкамлиги ва одамлари кўплигидан ғуурланиб, итоат этишдан бош тортганидан сўнг (Соҳибқироннинг – Ж.Х.) зафарёр қўшин Қалъага қараб юриш бошлади. Ўнг томонда Махдумзода Амир Сулаймоншоҳ ва Шайх Нуриддин Валлоҳдод, чап қўлда Махдумзода Халил Султон Баҳодир ва Шайх Мухаммад

Ийку Темур ва бошқа амирлар. Илк ҳамладаёқ Банд шаҳрини қўлга киритдилар.

Худди ўша пайтда музaffer қўшин амирлари (Амир Темур саркардалари – Ж.Х.) Қалъа атрофига келиб, уни қамалга қилдилар ва жангга киришдилар. Қалъани фатҳ этиш иккинчи кунга қолди. Жаҳонгир (Амир Темур – Ж.Х.) ҳар бир амир ўз ўтови рўпарасидан нақб (тунел – Ж.Х.) қазиб, Қалъа ичидан чиқсин, деган буйруқ берди.”

Қалъа эгалари Амир Темур лашкари хужумларига дош бера олмасликларини англаб, қалъа деворлари ва буржлари устидан илтижо қилиб, омонлиқ ва кечирим сўрай бошлишди ва Соҳибқиронга бўсунишга қасам ичишиди.

Аммо Рой Дувалжин Амир Темур қароргоҳида бўлган вақтда ҳам қалъадагилар Қалъа дарвозаларини очмадилар ва қаршилик кўрсатмоқчи бўлдилар. Амир Темур Қалъа қархисида манжаниқларни ўрнатиш, ер остидан нақбларни қазиш, ўқса тутувчи ва назорат қилувчи минораларни қуришга фармон берди. Қалъадигилар бу ҳолни кўриб, қаршилик бефойда эканлигини англадилар ва охир-оқибат Дувалжиннинг укаси ва ўғли ташқарига чиқиб, таслим бўлдилар. Қалъа калитларини Амир Темур мулозимларига топширдилар.

Амир Темур қўшини Поипатни ишғол этгач, Поипат дарёси бўйида тўхтади. “Шанба куни (Рабеъулаввал – Ж.Х.) ойнинг йигирма олтинчи кунида “баронгор” ва “жовангор” амирлари бир жойда тўпланиб, қўшинни кўздан кечириб, қурол-яроқларни текшириб кўргач, йўлга тушдилар.

Шанба куни ойнинг йигирма еттинчисида “баронгор” амирларига марҳум султон Фирузшоҳ қароргоҳи бўлган ва Дехлидан икки фарсах узоқликда жойлашган Жаҳоннамой мавзесига ҳужум қилиш фармони берилди.

Фиёсиддин Али Яздий Амир Темур қўшинининг Дехли яқинидаги Жаҳоннамой мавзесини ишғол этишдаги ҳаракатини қуидагича тасвирлайди:

“Айни пайтда Малухон тўрт минг нафар отлиқ, беш минг нафар пиёда, йигирма еттита занжир фил билан чиқиб яқинлашди. Уларни музaffer қўшиндан (Амир Темур қўшини – Ж.Х.) Жун дарёси бўйида кутиб турган Сунжук Баҳодир ва Сайид Хожа Мубашшир уч юз нафарга яқин аскарлари билан ўқса тутди ва Жаҳоннамойнинг бу томонига ўтиб олган икки қўшин аскарлари (Амир Темур қўшини – Ж.Х.) орқа томонга ўтиб олиб душман қўшинига қуондек ҳужум қилишди. Душман биринчи ҳамладаёқ Дехли томонга чекинди.

Муаллиф Амир Темур қўшининг Султон Маҳмуд билан бўладиган жанг олдидаги ҳаракатини – Соҳибқирон ва саркардалар ҳамда лашкарнинг жойлашиб олиши ва урушга тайёргарлик кўриш жараёнини қўйидагicha тасвиirlайди:

“Рабеъулохир ойининг учинчи куни – одинада собиқ ҳукмдор Фирузшоҳнинг қароргоҳи бўлмиш Жаҳоннамой қаршисидан ҳаракатга келиб, Қалъанинг шарқий томонида жойлашиб олди.

Бу ерда даргоҳнинг хос бандалари ва мулозимлари бўлмиш саодатли маҳдумзодалар, улуғ амирлар ва саркардалар Жаҳонпаноҳ (Амир Темур – Ж.Х.) тахтининг пойида ҳозир бўлдилар...”

Муаллиф Амир Темурнинг зодагонлар ва саркардалар билан мажлис қургани, уларга ҳарб илмидан сабоқлар ва кўрсатмалар бергани, Соҳибқироннинг ҳар бир саркарданинг фикрини эшитганини, унинг “баранғор” ва “жованғор” ва қўшиннинг бошқа таркибий қисмлари жанг пайтида қаерда бўлиши, уларнинг ҳолат ва ҳаракатлари қандай кечиши, душман хужумини қандай қайтариш ҳақида кўрсатмалар бергани ва буни барча зодагонлару саркардалар жон қулоғи билан эшитганликларини қисқача баён этиб ўтади:

“Куръони мажиддан очилган фолга ихлос қилган ҳолда мазкур ойининг бешинчи куни, якшанбада Жун дарёси бўйидан кўчиб, нариги қирғоғига сузуб ўтдилар ва Баҳоли деб номланган тепаликка олиб чиқадиган хандақ қаздилар. Ва у ердан сешанба куни ойининг еттинчи куни куннинг биринчи яrimida қоидага кўра қўшиннинг баранғор ва жаванғор, мунқалой ва қўл қисмларини тузиб, саф тортдилар. Ўнг қўлда Амирзода Пирмуҳаммад Баҳодир ва Амирзода Сулаймоншоҳ Баҳодир ва бошқа амирлар бор эди. Чап қўлда Амирзода Султон Ҳусайн Баҳодир, Амирзода Халил Султон Баҳодир, Жаҳоншоҳ Баҳодир ва бошқа амирлар, мунқалойда Амирзода Рустам Баҳодир, Амир Шайх Нуриддин Баҳодир ва Амир Шоҳ Малик Валлоҳдод ва бошқа амирлар жойлашдилар.

Ва Ҳазрат ўз муборак нафаси билан лашкар қалбида (маркази – Ж.Х.) жой олди. Орастлашкар тузилди...”

“Ва у томондан (душман томони – Ж.Х.) Маликзода Султон Маҳмуд Ҳиндистон мамлакатининг Малуҳон ва бошқа лашкарбошилари билан бирга ўн минг нафар отлик, йигирма минг нафар қуролланган пиёда аскар ва бир юзу йигирма занжир жанговар филлар билан тўфон кўтараётган денгиздай тўлқинланиб саф тортдилар. Ҳар бир фил устига ёғоч тахтлар ўрнатилган, ғулғула солгувчилар филлар қаторида қўйилган, ҳар бир филнинг устига бир неча камончи қўйилган,

филларнинг хартумлари бир-бирига боғланган. Музаффар қўшин (Амир Темур қўшини – Ж.Х.) гарчи уруш ва жангларда жасорат кўрсатишга одатланган ва кўп даҳшатли урушларни бошидан кечирган бўлса-да, бу урушда узокдан ҳайбатли қўринадиган тоғ келбатли филлар жиҳатидан бироз хавотир бор эди.

Чунончи, баъзи ўғлонлар ўзининг мардлигини ҳам эсидан чиқарди. Масалан, машҳур олимларнинг фарзандлари, олампаноҳ даргохининг мулоғимлари бўлмиш Султонулуламо вал-машойих Жалолулҳақ вад-дин Кешийнинг ўғли Мавлонои аъзам Хожа Фазл ва Малик ул-қузот фил-олам Нуъмониддиннинг ўғли Мавлонои аъзам Абдулжаббордан Ҳазрати олий (Амир Темур – Ж.Х.) “Сизлар қаерда бўласизлар?” деб сўраганда улар даҳшатга тушган ҳолда “Бандаларнинг жойи аёллар бўлган жойдир”, дея жавоб бердилар.

Ҳазрати олий хоқоний (Амир Темур – Ж.Х.) табассум қилди. Икки қўшин бир-бирига яқинлашганида Ҳазрат (Амир Темур – Ж.Х.) лашкаргоҳ ўртасида жойлашган Пуштаи Баҳолий этагидаги тепаликка чиқди атрофни кузата бошлади. Қаровул ва мунқалой (қўшиннинг таркибий қисмлари – Ж.Х.) бир-бирига тўқнашиб, муҳораба бошланиб кетди.

Ўша соатда Ҳазрати хилофатпаноҳ (Амир Темур – Ж.Х.) даргоҳ ходими Мавлоно Носириддин Умарга ишора қилиб, тош устига жойнамоз тўшашни буюрди. Ҳазрат тушиб, икки ракъат намозни тавба-тазарруъ билан беминнат Мағфират этгувчи зот – Жалла ва Ъалодан фатҳ ва нусрат сўради.”

Душман қўшини тор-мор этилди, Султон Маҳмуд ва Малухон биёбонга қараб қочишиди. Амир Темур қўшини билан Дехлига кирди. Шаҳарнинг ийдоҳида чодир уриб, шаҳар зодагонларини қабул қилди.

Асарнинг “Мерут қалъасининг фатҳи ҳақида” деб номланган фасли ҳам Амир Темурнинг мустаҳкам қалъаларни фатҳ этиш санъати тасвирланади.

Дехлидан кейин шарққа қараб юрган Амир Темур январь ойининг бошида, айрим манбаларда 7 январь, айримлари 9 январда Мерут шаҳрини эгаллади. Бу қалъа-شاҳар Темурга бўйсунишдан бош тортган эди. Муаллиф ушбу қалъа ҳақида шундай дейди:

“Бу қалъа Ҳинд мамлакатининг машҳур қалъаларидандир.

Якшанба куни ойнинг йигирма олтинчи куни Амирзода Рустам Барлос ва Амир Шоҳмалик ва Амир Аллоҳдодни Мерут қалъаси томонга юбордилар”.

“Чаҳоршанба куни ойнинг йигирма тўққизинчисида пешин намози вақтида Жаҳонгир аскарлари Мерут қалъасига етдилар ва шу ондаёқ қўшин амирларига ўз ўтовлари қаршисидан нақб қазиш ҳақида буйруқ берилди. Шом намози вақти бўлганда

деворлар томонига ўн-ўн олти газдан нақб қазишга улгурган эдилар...

Эртасига Амир Аллоҳдод – Амир Ҳожи Сайфиддин укаси Ҳазрати олийнинг хос қўрчиларидан бўлган қўшини билан қалъа дарвозаси тагига келдилар ва навкарлардан бири... қалъа деворига арқон ташлаб, девор устига чиқиб олди. Ундан сўнг бошқа баҳодирлар ҳам қалъа дарвозаси устига чиқиб олдилар.”

Асарнинг “Ўрмонлари Мозандарон ўрмонларидан ҳам қалин бўлган Кўхи Саволакнинг бошқа томонидаги яна бир ғазавот баёни” номли фаслида ёзилишича, Жимодиолаввал ойининг ўн учинчи куни чорсанбасида Амир Темур қўшини Жун дарёсини кечиб ўтиб, Кўхи Саволакнинг нарига томонига етди. Ўша куни Соҳибқиронга Ратан деган бир ҳинд ройнинг (подшоҳи, ҳокими – Ж.Х.) даъвати билан ҳинд маҳбуслари ва турли табақаларидан сон-саноқсиз ҳалқ тўпланиб, унинг қўшинига қўшилгани ва оёқ етмас баланд тоғлар ва қалин ўрмонларда жойлашгани, у жойларга ҳатто пиёда қўшин билан ҳам йўл топиб етиб бориш мушкуллиги ҳақида маълумот етди.

Ана шундай оғир шароит ва хавфли вазиятда ҳарбий амалиётни муваффақият билан давом эттириш мақсадида Амир Темур ойининг ўн еттинчи куни қўшин саркардаларига машъаллар ёкиб, қўшинни тартибга солиши, дараҳтларни кесиб, йўл очиб ўтишга фармон берди. Аскарлар тонг отгунча буйруқни бажаришга киришиб, тоғу тошлар ва қалин ўрмонзор ичидан ўн икки карух йўл очишга эришдилар.

Ойнинг ўн тўққизинчи куни сесанбада қуёш чиқаётган пайтда Амир Темурнинг қўшини икки тоғ – Кўхи Саволак ва Кўхи Кўка оралиғига етган еди. Рой Ратан ўз қўшинининг маймана (ўнг қанот) ва майсарасини (чап қанот) қоидаларга биноан тартиб берган, қўшинини қуроллантириб, жангта шай бўлиб турган экан. Улар узоқдан Амир Темур қўшинининг жанг ногоралари, ярғу ва дубулғалари овози ва лашкарнинг наъра-ю ҳайқириқларини эшитиб, қўркувга туша бошладилар.

Одина кунининг ўтар кечаси маймана ва майсара (қанотлари) тўпланиб, Амир Темур олдида ҳозир бўлдилар ва икки тоғ оралиғида жойлашдилар.

Шу кеча Амир Темур сипоҳининг ўнг ва қўл қанотлари хужумга ўтиб, душманни тор-мор этдилар.

“Одина куни – Жумодиолаввал ойининг ўн олтинчи куни, - деб ёзади муаллиф, - Ҳазрат Соҳибқирон ушбу икки тоғ оралиғида жойлашган дарадан чиқиб, яна Кўхи Саволакка қайтди. Бу ердан Накаркут вилоятигача ўн беш фарсаҳлик йўл бор эди.

Орада эса охири кўринмайдиган қалин ўрмон жойлашган эди”.

Бу жангда Тифойтамур қаровул эди. Чошт пайтида Амир Темурнинг хузурига келиб, ғалаба қозониш имкони кўпроқ эканлиги ҳақида баёнот берди.

Амир Темур жавонгор ва Хурросон қўшинларини душманга қарши хужумга ўтиш учун юборди. Амир Темур қўшини хужумга ўтиб, душманга қирон келтириб, ғалаба билан қайтди.

Пешин намози вақтида Соҳибқиронга Амир Шайх Нуриддин ва Али Султон Тўпчи қўшинидан чап томонда бир дара борлиги ва у ерда сон-саноқсиз оташпарастлар тўпланганлиги ҳақида хабар келди.

Амир Темур ўша дара томонига қараб йўл олди. Амир Шайх Нуриддин ва Али Султон Тўпчи қўшинлари билан хужумга ўтдилар. Тоғ чўққисида Соҳибқирон байроғи тикилди.

Хижрий-қамарий 801/ м.1399 йилнинг Жумодиюлаввал ойи ўн бешинчи кунидан бошлаб Жумодиулохир ойи ўн олтинчи кунининг охиригача бир ой давомида икки тоғ оралифи – Кўхи Саволак ва Кўхи Кўкада Жаму мавзесига етгунча Жаҳонгир (Амир Темур – Ж.Х.)нинг қўшинлари йигирмата ғазавотни ўтказдилар.

Ана шу ўттиз кун давомида Ҳиндистоннинг энг мўътабар қалъаларидан тўсиқлари ва ҳимоя ҳисорлари ўта мустаҳкам, баланд деворларга эга бўлган, бир-биридан бир ё икки фарсанг узоқликда жойлашган ва ҳар бир қалъанинг одамлари бошқа қалъанинг одамларига қарши бўлган еттига қалъаси фатҳ этилди.

Амир Темур 1399 йилнинг март ойига қадар Ҳиндистоннинг бутун шимолий қисмини эгаллади. Март ойида у барча амирлар ва қўмондонларини йифиб, ўз вилоятларига қайтишга рухсат беради. Ҳинд мулкини эса Хизр Хон Сайидга топшириб, ўзи Самарқандга қайтади. Хизр Хон ўзини Амир Темурнинг вассали деб эълон қилиб, унинг номини хутбага қўшиб ўқиттиради ва унинг номидан тангалар зарб эттиради. Қочиб кетган Маллухон ва Султон Маҳмудлар қайтиб келиб, ҳокимият учун курашга қўшиладилар. Аммо Хизр Хон Сайид уларни мағлуб этиб, Дехлида саййидлар сулоласига асос солади.

Самарқандга қайтган Амир Темур ғалаба шарафига шаҳарда улкан масжид қурдиришга фармон беради. 1399-1405 йилларда қурилган ушбу масжид халқ орасида “Бибихоним масжиди” номи билан машҳур бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, донишманд тарихнавис Фиёсиддин Али Яздийнинг “Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” номли асари Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, айниқса, Ҳиндистонга қилган салкам бир йиллик ҳарбий юриши ҳақида энг қисқа муддат ичида ёзилган ва тарихий фактларга бой бўлган асар бўлиб, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари”, Клавихонинг “Қундалик”лари, Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи”, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарлари билан қаторда Амир Темур ҳаёти ва ҳарбий юришларига оид муҳим тарихий манбалардан бири сифатида хизмат қиласди.

REFERENCES

1. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۷۷.
2. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۷۸.
3. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۸۰.
4. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۹۱.
5. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۰۳.
6. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۱۱.
7. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۱۲.
8. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۲۷.
9. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۲۷.
10. غیاث الدین علی یزدی. سعادت نامه یا روزنامه غزوات هندوستان. به کوشش ایرج افشار. - تهران: میراث مکتوب، ۱۳۷۹. ص. ۱۵۶.